ЧЎЛПОН ИЖОДИДА ТАБИАТ ЭСТЕТИКАСИ

Умида Сапаевна Шерматова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Адулҳамид Чўлпон шеърлари ва ҳикояларида гўзаллик, нафосат, қайғу ва қувонч туйғуларининг нозик товланишларини ҳисси борлиги ва табиат гўзалликларини жозибали тасвирлашда Чўлпонга етадиган даражада тасвирлаш жуда қийинлиги талқин қилинган.

Калит сўзлар: гўзаллик, нафосат, қувонч, қайғу, шеър, табиат, эстетика, тарбия.

AESTHETICS OF NATURE IN CHULPON'S CREATION

Umida Sapayevna Shermatova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article explains that Adulhamid Chulpon’s poems and stories have a sense of subtle sparkles of beauty, sophistication, sadness and joy, and that it is very difficult to portray the beauties of nature to the extent that Chulpon is attractive.

Keywords: beauty, sophistication, joy, sorrow, poetry, nature, aesthetics, upbringing.

КИРИШ

Инсон ахлоқини безовчи, гўзаллаштирувчи бир соҳаси – эстетик тарбиясидир. Бу тарбияни олган инсон ҳаёт, табиат гўзалликларидан завқланади, гулларга, қушларга, барча жонзотларга меҳр-шафқат билан қарайди, адабиётни, мусиқани, тасвирий санъат асарларини нозик тушунади. Қайғули, фожеали ҳодисалардан ҳам сабоқ олади, руҳи покланади. Арасту “Поэтика” асарида трагедия санъатидан эстетик завқ олган томошабиннинг руҳий покланишини юнонча катарсис деб атайди. Бундан эстетик тарбия инсон хулқини нафосат билан безаши, эстетик идеални шакллантириши ҳақидаги мушоҳадалар қадимги юнон файласуфларининг ҳам диққат марказида бўлганлиги англашилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XX аср бошларида Туркистон халқларининг миллий уйғонишига кучли таъсир кўрсатган миллатпарвар шоир-педагог Абдулла Авлоний “Туркий Гулистон ёҳуд Ахлоқ” асарида тарбияни уч турга бўлиб, тасниф этади:

1.Бадан тарбияси (Жисмоний тарбия);

2.Фикр тарбияси (Ақлий тарбия);

3.Ахлоқ тарбияси.

А.Авлоний назарида бу уч тарбия ўзаро боғлиқ бўлиб, барчаси ҳам инсонни вояга етказиш учун муҳимдир.

“Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур.Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидир.Агар жисм тозалик била зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопоннинг астарини ювиб овора бўлмоқ кабидурким, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур”.

А.Авлоний бу жумласида ахлоқий тарбия яхши бўлмаса, ёшлар ичкилик, кўкнори, наша, афюн, чилим, нос, попирис каби баданнинг саломатлигига зарарли одатларга берилиши мумкинлигини айтиб, “оғулик нарсалардан қочмак, сақланмак шариат, ақл, ҳикмат юзасидан лозимдир”, - дея таъкидлайди.

Жисмоний тарбиянинг муҳимлигини шарқ халқлари жуда яхши тушунганлар.Қадимий халқ оғзаки ижоди – эртаклар ва достонларда йигитлар камондан ўқ отиш, курашда куч-қувватли этиб тасвирланади. “Уч оғайни ботирлар” эртагида ҳам оилада фарзанд тарбиясида муҳим ҳисобланган хусусиятлар ҳақида қуйидаги фикрларни ўқиймиз.

Доно ота ўз ўғилларига насиҳат қилиб, инсон етуклиги мол-дунёда эмас, балки маънавий фазилатларда, касб-ҳунар эгаллашда эканлигини тушунтиради: “Ўзимдан кейин бахтсиз бўлиб қолманглар, деб сизларни ўқитдим, вояга етказдим.Яна сизларни уч нарса билан (яъни, уч соҳада) тарбия қилдим. Биринчидан, соғлом вужудли қилиб тарбия қилдим – бақувват бўлдингиз.Иккинчидан, яроғ билан таништирдим – қурол ишлатишга (қиличбозликка) уста бўлдинглар. Учинчидан, қўрқмайдиган қилиб ўстирдим – ботир бўлдингизлар.Яна уч нарсани айтаман, қулоқларингизга олиб, эсингиздан чиқарманглар: Тўғри бўлингиз – бехавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг... ”

“Қобуснома”да ҳам ота,оналар фарзандига касб-ҳунар ўргатиш билан бирга, ҳатто бундан аввалроқ жисмоний тарбияга эътибор бериб, от минишни,найза отишни, чавгонни, каманд-арқон ташлашни ҳамда сувда сузишни ўргатади.Агар ўйлаб кўрсак, буларнинг ҳаммаси табиат бағрида,тоза ҳавода бўлишни тақозо этади.Демак, табиат қучоғида бўлиш ҳам жисмоний

тарбия,ҳам эстетик тарбия учун зарурдир. Аслида барча тирик мавжудотлар табиат қучоғида униб-ўсади ва яйраб-яшнайди. Табиат гўзалликлари чексиз ранг-баранг бўлиб, эстетик тарбиянинг ҳам бошланғичи, асосидир.

Бу уч хил тарбиядан энг муҳими, А.Авлоний фикрича, ахлоқ тарбиясидир. Агар бола, ўсмир ахлоқи гўзал бўлмаса, хулқида дилозорлик, аёвсизлик, безорилик, ёлғончилик, манманлик, мақтанчоқлик, мунофиқлик (риёкорлик), намима – чақимчилик каби иллатлар бўлса, бундай одамнинг жисмоний ва ақлий қувватидан фойда йўқдир.

Барча буюк шоирлар ижоди, хусусан Адулҳамид Чўлпон шеърлари ва ҳикояларида ҳам гўзаллик, нафосат, қайғу ва қувонч туйғуларининг нозик товланишларини ҳис этамиз. Зеро, табиат гўзалликларини жозибали тасвирлашда Чўлпонга етадиган даражада тасвирлаш жуда қийиндир.

Шоир 1919 йилнинг февралида ёзилган машҳур “Гўзал” шеърида она Ватан гўзаллиги ва муқаддаслигини, Ватан юлдуздан, Ойдан, Кундан (Қуёшдан) ҳам гўзал эканлигини илҳом билан, жўшиб ёзади:

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир: “Мен уни тушда кўрамен:
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир,ойдан-да гўзал!”

Чўлпон ижодида табиат манзаралари ўз ҳолича гўзаллигидан ташқари, муҳим эстетик ва сиёсий идеални равшанлаштирувчи восита хизматини ўтайди.

Чўлпон “Табиатга” шеърида Ватан табиатининг гўзаллигини севикли ёр гўзаллигидан ҳам аъло деб билади, уни ижобий маънода идеаллаштиради, яъни, эстетик идеалга айлантиради:

...Танларинг нур, юзларинг нур, тенгларинг ҳурдир сенинг,
Ёқут ойлардин қўйилғон ёғдулардандур танинг.
Кўк юзида барча юлдузлар суюнчингдур сенинг,
Кулмагингдур боғчаларга турли гулларин сочар,
Кўз қарашингдур сенинг, элга саодатлар очар...

Шеърнинг давомида Чўлпон табиатнинг қаҳри келганда қудратли кучлари қандай фалокатлар келтиришини ҳам ажойиб, тўлқинли манзараларда тасвирлайди.

Қайғуриб қолган чоғингдур, барча жонлар қайғурар,
Ҳар томонда қайғу ҳасрат, ҳар азиз жон оҳ урар.
Кўк юзини қоп-қора,машъум булутлардир, ўрар,

Ул булутлардур ёруғликнинг юзни қоплаб турар.
Ул булутлар устига отдек миниб девлар чопар,
Ҳар уришда қамчини ўтлар ёқар, чақмоқ чақар.
Ул булутлар чопалар девлар билан осмон бўйи,
Унда бошланса жин, олбости ва шайтонлар тўйи,
Кўк гўзалдир,сел ёғар,дўллар қуяр, тўфон босар,

Қум кўчар...тоғлар қадар қумлар кўчар...йўлни тўсар...
Зўр денгизлар наъра тортар...жон сўрар, тўлқин чопар,
Катта тўлқинлар келар-да, майда тўлқинлар қочар...

Шоир бу шеърида қудратли табиат стихиясини рассомлардай жонли манзараларда чизиб кўрсатар экан, табиат ҳодисаларига ботиний ва серқатлам маънолар ҳам юклайди:

1.Ҳақиқий табиат қаҳри келганда ҳам жуда гўзал ва қудратли.

2.Табиат қудрати олдида одамларнинг энг қудратлиси ҳам ожиз бўлиб қолади.

3.Ижтимоий, рамзий маъно: халқ оммаси қулликка, мустамлакачиликка қарши қўзғолса, “тоғдай қумлар кўчиб, дўллар қуйиб, тўфон босиши мумкин.Катта тўлқинлар келса, кичик тўлқинлар қочади...”

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Чўлпоннинг педагогик ва эстетик қарашларини ўрганишда унинг табиат гўзалликларини нозик ҳис этиши ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилишини таъкидлаш билан бирга, табиатнинг қудратли стихиясини тасвирлаш орқали шоир ватанининг шўролар томонидан босиб олинишига қарши, Туркистон халқларининг инсоний ҳуқуқлари оёқости қилинишига қарши жуда кучли алами ва қаҳр-ғазаби, исёни ҳам ифодаланганига эътиборни қаратиш зарур.

Шарқ адабиётида Инсон ва табиат масаласи Алишер Навоий ижодида юксак поғонага кўтарилди.Навоий “...табиат ва инсонни бир-бирига тамсил тарзида тасвирлайди”. Ҳақиқатан, табиат инсонни яратувчи “илоҳий қудрат”, лекин бу “илоҳий қудрат”нинг ўз фарзандига меҳр-муҳаббати чексиз. У инсонни фоний дунёда ҳам, боқий дунёда ҳам ўз бағрига олади.Шу жиҳатдан, инсон табиатнинг бир бўлаги.

Чўлпон шеъриятидаги табиат фалсафасига шу нуқтаи назардан ёндошмоқ лозим. В.Г.Белинский “Табиат санъатнинг доимий тимсоли, ундаги энг олий предмет эса инсондир”, деб ёзади.Чўлпон поэзиясида ҳам табиат – мақсад эмас, аксинча, унинг замирида инсон эрки – ҳуқуқлари билан боғлиқ қатор масалалар

ётади. Ҳақиқатан, шоирнинг табиат лирикасидаги куз, қиш, баҳор, бинафша, булут, барг, тун каби образларнинг поэтик дунёси ниҳоятда кенг. Улар ижодкор концепциясини белгиловчи шеърий воситаларга айланиб кетган. Табиийки, мавжуд тузум ижодкорнинг ижтимоий, сиёсий, эстетик қарашларига у ёки бу даражада таъсир этади. Хусусан, Октябр инқилобидан маълум фурсат ўтгандан сўнг ижод эркинлигининг бўғилиши натижасида ижтимоий эстетик тафаккурни турли рамзий шаклларда акс эттириш тамойилллари устиворлик қилди.Айниқса, 20-йиллар адабиётидаги энг муҳим тенденциялардан бири ҳаёт ҳақиқати, инсон эрки-ҳуқуқлари билан боғлиқ масаларни табиат тасвирида беришдир.Қадимдан то ҳозирга қадар инсон кечинмаларини табиат ҳодисаларида тасвирлаш анъанаси мавжуд. 20- йиллар адабиётининг фаол муваққидларидан А.Саъдий бу ҳақда шундай ёзади: “...табиатдаги бир нарса, бир ҳодиса, бир воқеа, моддий бир кўриниш тасвир этилар экан,шундан асл мақсад шуларнинг ўзларининг тасвири бўлмайдир. Балки шул тасвир ва шакл орқали маъноларга, фикр, ҳис ва хаёлларга ишора ва имо қилиш бўладир. Шулар орқали руҳий бир ҳолат, бир тасаввур, руҳий бир ҳаяжон иқода этиладур... ” Лекин санъаткор борлиқни тасвирлаганда ундан нусха кўчирмайди, балки андоза олади. Инсон қалбининг, руҳиятининг такрорланмас лаҳзаларини табиат образларида гавдалантиради. “...шу маънода ҳар бир тарихий даврда инсоннинг табиатга муносабати ўзгариб борган...шу жиҳатдан айтиш мумкинки, пейзаж ҳам, жонсиз предметлар ҳам бадиий асарда илгари сурилган фикрни, ғоявий-эстетик мақсадни нурлантириш, қаҳрамон қалбининг, ҳаётининг у ёки бу дунёқарашидан келиб чиқувчи ғоявий-эстетик концепция биринчи планда туради... ”

Чўлпон поэзиясида табиат тасвири “мангу тутқунликка кирган ўлка” қисмати билан чамбарчас боғланган.Айниқса, шоир таваллуд топган Фарғона водийси миллий мужоҳада давом этган йилларда Туркистоннинг бу гўзал қисми “чечаклар водийси” – қонлар водийси ҳолига келмишдир”.Чўлпон бу давр манзарасини ифода этган “Гўзал Фарғона” шеърини яратди.Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, шеъриятимиздаги иккинчи бир гуруҳ шоирлар Фарғонани “Бахтлар водийси” – гуллар ўлкаси деб тасвирладилар.Ҳақиқатда эса водийнинг баҳори ўтиб, кузи бошланган эди. “Кўм-кўк” либослар ўрнига “қонли кўйлаклар” кийган эди:

Эй гўзал Фарғона, қонли кўйлагингдан айланай,
Тарқалиб кетган қаро, ваҳший сочингда бойланай.
Ваҳший бир ўрмон каби бағримни босмишдир қамиш,
Кўзларингда ҳеч кўринмас бир олов,бир ўт ёниш...

Шеърнинг ҳар бир сатридан Қўқон фожеасида шаҳид кетганларнинг “оҳ-воҳ” ҳайқириғи эшитилиб туради. Шу боисдан, “Гўзал Фарғона” шеър эмас, тугал бир достон. “Бузилган ўлка” сингари фожиали драма. “Қонли кўйлак кийган, сочлари ваҳший тарқалган”, осмонини қора булутлар қоплаган Ватан, миллат достони.

20-йиллар ўзбек шеъриятинингасосий хусусиятлардан бири – табиатни инсонлаштириш.Инсон дардини табиат воқеа-ҳодисаларига боғлаб поэтик мақсадни шакллантириш.Фитратнинг “Миррих юлдузига”, Ботунинг “Темирқозиқ юлдузига”, Элбекнинг “Мунгли қуш”, Чўлпоннинг “Ёруғ юлдузга”, “Пўртана”, “Кўклам қайғиси” , “Норин дарё” шеърларида шу хусусиятларни кузатиш мумкин.

Юлдуз – Чўлпоннинг суйгани.Унинг юлдузга муҳаббати шунчалик чексизки, уни “гўзал юлдуз”, “нурли юлдуз”, “Эрк юлдузи”, “тилак юлдузи”, “нажот юлдузи”, “толе юлдузи”дея эркалайди.Юлдуз – “оталарнинг тарихдаги хатосин”, “эл кўксида сурган ишрат, сафосин” кўрган, “юрт учунжонлар бериб, қонлар тўккан эрлар”ни таниган ягона гувоҳ:

Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўйла
Оталарнинг тарихдаги хатосин,
Шул хатодан осуғланиб, ёвларнинг
Эл кўксида сурган ишрат, сафосин...

Чўлпон Туркистоннинг чор Русияси томонидан босиб олинишини “оталарнинг тарихдаги хатоси” деб баҳолайди. Унинг нигоҳида “ўтган турмушнинг бутун қонли, жонли, шонли ерлари” ва ерлар учун “жонлар бериб қонлар тўккан эрлар”и гавдаланади:...Бироқ юлдузнинг сўйламакдан тили лол.Чунки унинг сўзлайдиган яхши сўзи йўқ эрур, “оғиз очса, йўқсил элни эзмакка, қон қилмоққа ҳасратлари кўп эрур”.

Нега жимсен, нега жавоб бермайсен,
Нега кўзинг қизаринди,ёшланди?
Нега юзинг сўлган каби юмшарди?
Нега сенда бир талваса бошланди?

Чўлпоннинг юлдузлари ичра унинг юрагига яқини – Эрк юлдузи.Қафасдаги қушнинг озодликдан ўзга орзуси бўлмаганидек, “қуллик қўшиниғини тинглаётган” тутқуннинг хаёлида ҳам эрк яшайди.

Чўлпоншунос олима Замира Эшонова ёзганидай Чщлпоннинг юлдузга ҳам киноялари, ҳам илтижоли, ҳам ҳасратли, ҳам дўстона мурожаатлари МИЛЛАТ ДАРДИнинг зўрлигидан туғилган.

Хулоса қилиб айтганда, шоир шеърларида юрт қайғуси, ватан қайғусини ифодалаш учун табиат манзаралари тасвиридан моҳирона фойдаланилган. Биз ҳозир мустақил давлатимизни қуриш бахтига эришган эканмиз, халқимизнинг узоқ ва яқин ўтмишини, тарихий хотирани унутишга ҳам маънавий,ҳам демократик ҳуқуқий давлат фуқароси сифатида ҳаққимиз йўқ. Халқимиз ор-номуси, инсоний қадр-қиммати учун жон олиб, жон берган кураш йилларини, ватанимизнинг ҳақиқий тарихини ўрганиш давлатимиз фуқароларида, барча ёшга мансуб авлодлар қалбида ватанга, халққа меҳр ва муҳаббат туйғуларини уйғотади.Тарихий хотирасини йўқотганлар манқуртлашиб, фақат мол, дунё, мансаб, амалга хирс қўйиб, ўзларини ватан тақдирига алоқамиз йўқ деб, ҳис қиладилар.

REFERENCES

1. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар.2 жилд.Т., Маънавият”1998, 190 б.
2. Арасту. Поэтика.Ахлоқи кабир. Т.Янги аср. 2004 йил.
3. Чўлпон.Асарлар.1 жилд.Т.Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1993 йил.
4. Ё.Исхоқов.Навоий поэтикаси.Т.,1983, 240 б.
5. В.Г.Белинский.Полн.собр.сочн.Т.,2010, 300 б.
6. Матчонов С. (2020). Адабиёт дарсларида таҳлил ва талқин уйғунлиги. *Тил ва адабиёт таълими. 7*(7), 8-11.
7. Матчонов С. (2020). Китобхонлик ва мутолаа маданияти. БухДУ Бошланғич синфларнинг она тили таълимида инновацион технологиялардан фойдаланиш. *Халқаро конфереция материаллари 2020 йил 29 апрель*, 89-92-бетлар
8. Матчонов С. (2020). Адабий таълим тизимини технологиялаштириш ва бадиий-эстетик тафаккур муаммолари. *Низомий номидаги ТДПУ Илмий ахборотлар 2020 1*(1), 49-53-бет.
9. Шерматова У.С. (2019). Чўлпон лирикасини ўрганиш технологияси. *Tafakkur ziyosi, 2*(2), 29-32.
10. Шерматова У.С. (2020). Kunduzsiz kechalar yog’dusi. *Til va adabiyot ta’limi, 2020, 3*(3), 23-25.
11. Шерматова У.С. (2020). Ватан тимсоли маънавий қадрият. *Pedagogik mahorat, 6*(6), 84-88.
12. Shermatova U. (2020). The light of nights without a day. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 4*(4), 112-117.

13. Bakiyeva H. (2019). Developing articulation of elementary class students using independent work methodology. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 7*(6), 14-16.
14. Боқиева Ҳ. (2010). Бошланғич синфларда ҳолат феъллари иштирокида ўқувчилар луғат бойлигини ошириш. *Педагогик таълим, 3*(3), 28-32.
15. Боқиева Ҳ. (2013). Бошланғич синфда иборалар устида ишлаш. *Педагогик таълим, 1*(1), 62-66.
16. Umirova D. (2020). Authenticity and authentic materials: history and present. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 8*(10), 129-133.
17. Rasulov R. (2020). Word Valence and Syntactic Relationship. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24*(02), 295-300.
18. 19. Rasulov R. (2020). Agency Valency of Voice Forms of the State Verbs (On the Material of the Uzbek Language). *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 7*(7), 308-317.
19. Rasulov R. (2020). Kelajak – til sohiblariniki. *Til va adabiyot ta'limi, 7*(7), 63-64.
20. Ботирова Ш.И. (2020). Об обучении студентов филологии основам анализа и литературным терминам. *Преподавание языка и литературы, 7*(7), 82-83.
21. Ботирова Ш.И. (2020). Роль художественного психологизма в метафорической гармонизации реальности человека и жизни. *Преподавание языка и литературы, 10*(10), 64-66.
22. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research, 9*(4), 16-20.